

● Европалик диетологлар томонидан ортикча вазнининг олдини олишда асқотадиган «Obalon» деб номланган янги инновацион препарат яратилди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, инсон саломатлиги учун мутлақо безарар бўлган ушбу препарат одам ҳазоматига тушганидан сўнг муайян ҳажмгача шишади ва ўзидан микроэлементлар чиқаради. Натижада уни қабул қилган мижоз очликни сезмайди.

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасида «Ўзбекистонда ишбилармонлик фаоллиги ва муҳити индекслари» мавзусида брифинг бўлиб ўтди. Унда 2013 йилнинг тўртинчи чорагида ўтказилган бизнес-сўров натижалари ва 2014 йилнинг биринчи чораги прогнозлари таҳлил этилди, дея хабар беради ЎЗА.

ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИ ЯХШИЛАНМОҚДА

Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида бозор ислохотларини изчил қўқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, рақобатни кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенг ривожлантиришга қаратилган кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу эса хусусий секторга янги имтиёз ва преференциялар бериш, рухсат бериш тартиб-таомилларини соддалаштириш, хусусий мулкнинг ҳуқуқий муҳофазасини кучайтириш, корхоналарнинг молия-ҳўжалик фаолиятига давлат ва назорат органлари аралашувини камайтириш имконини бермоқда.

Тадбиркорлик субъектларининг давлат, ҳуқуқий муҳофаза этувчи ва назорат органлари билан ўзаро муносабатларида тадбиркорлар ҳуқуқларининг устуворлиги тамойили қонун даражасида жорий этилди. Экспорт товарларини рўйхатга олиш, божхонада расмилаштириш тартиб-таомиллари сезиларли даражада соддалаштирилди. Кичик бизнес субъектларида улар рўйхатга олинган пайтдан бошлаб уч йил мобайнида режалли солиқ текширувларини ўтказишни тақиқловчи тартиб жорий қилинди. Давлат томонидан харид қилишнинг янги, янада тақомиллаштирилган, очик ва ошқора механизми қўлланилди, бунда кичик бизнес субъектларига афзаллик берилмоқда. Бундан ташқари, барча кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари солиқ ва молиявий ҳисоботларни топширишнинг электрон тизимига бошқича-бошқича ўтказилмоқда. Мамлакатимизда иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизация қилиш кўлами, ишбилармонлик муҳитини шакллантириш даражасини ҳар чорак-

да баҳолаш кўрсаткичлари тизими жорий этилган.

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 18 июлда қабул қилинган «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун қўлай шарт-шароит яратиш борасида муҳим омил бўлиб хизмат қилаётди. Ушбу ҳужжат бизнесни юритиш шарт-шароитларини баҳолаш мезонларининг жаҳон амалиётида қабул қилинган тизимини жорий этиш ва шу асосда мамлакатимизда ишбилармонлик ҳамда инвестиция муҳити даражасининг ҳалқаро рейтингини янада ошириш учун ўзига хос платформа бўлди.

Савдо-саноат палатаси, Иқтисодий тадқиқотлар маркази ва БМТ Тараққиёт дастурининг «Ўзбекистон бизнес форуми» лойиҳаси томонидан мамлакатимизда бизнес юритишнинг жорий ҳолати, фаоллик тенденцияларини баҳолаш, прогнозлар тузиш, истиқболда тадбиркор қўлаб-қўллаш натижаларини аниқлаш мақсадида ишбилармонлик фаоллиги индекси ҳамда ишбилармонлик муҳити индекси ишлаб чиқилди. Ишбилармонлик фаоллиги индекси 2009 йилнинг июль ойидан, ишбилармонлик муҳити индекси эса 2011 йилнинг иккинчи чорагида жорий этилди.

Мазкур индекслар саноат, қишлоқ ҳўжалиги, қурилиш, транспорт, алоқа, савдо ва умумий овқатланиш, хизмат қўлаб-қўллаш соҳаларида фаолият кўрсатган корхоналар раҳбарларини ўрта-савдо сўров ўтказиш натижалари асосида аниқланади. Сўров варақасида корхонанинг жорий аҳволи ва уни ривожлантириш истиқболлари ҳақида

сўзлаб бериш, ишбилармонлик муҳитини баҳолаш, юзага келадиган барча муаммолар моҳиятини баён этиш тақдир этилмоқда. Раҳбарлар жавоби мутахассислар томонидан баҳоланган, индексларни баҳолашнинг минус 100 дан плус 100 гача бўлган кўрсаткичли тизими шакллантирилди. Агар индекс нолга тенг бўлса, жорий ҳолат аввалги чоракка нисбатан ўзгармагани, нолдан катта бўлса – вазият яхшилانгани, агар нолдан кам бўлса – ёмонлашганини аниқлатади.

Лойиҳа мувофиқлаштирувчиси Орзимурод Ғайбуллаевнинг сўзларига кўра, 2013 йилнинг тўртинчи чорагида ишбилармонлик фаоллиги индекси 30,6 даражани ташкил қилган. Мамлакатимиз корхоналарининг ишбилармонлик муҳити ҳолати ижобий баҳоланди ва унинг индекси 20,1 даражани ташкил этди.

Бунга кўлаб омишлар, чунончи, талабнинг юқорилиги ҳисобидан даромад ҳажмининг ўсиши тўғрисида эришилди. Ҳисобот даврида сўровда иштирок этган корхоналарнинг 66 фоизини ташкил қилган 462 корхона товар ва хизматлар сотиш ҳажминини кўпайтирган. Бу, ўз навбатида, ҳодимлар иш ҳақи миқдорини ошириш ва янги иш ўринлари яратиш имконини берди. Бундан ташқари, бюджетга солиқ тушумларининг кўпайгани ишбилармонлик фаоллиги ошганининг яна бир самарасидир.

Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида ўтган йилнинг тўртинчи чорагида ижобий ишбилармонлик фаоллиги намоён бўлди. Бу кўрсаткич, айниқса, Навоий вилоятида энг юқоридир.

2014 йилнинг биринчи чораги прогнозларига кўра, корхоналарда ишбилармонлик муҳитининг барча кўрсаткичлари яхшиланиши кутилмоқда.

Бу борада ўтказилган тадқиқотлар давомида аниқланган айрим камчиликларни бартараф этиш учун зарур чоралар кўриломоқда.

Брифингда мутахассислар иштирокчиларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

Роман БОНДАРЧУК

ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВА НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ САЛОҲИЯТИ ОШМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Давра суҳбати қатнашчилари Бухоро ва Самарқанд вилоятларида «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очикилиги тўғрисида»ги қонун лойиҳаси нормаларини синовдан ўтказиш бўйича амалга оширилган ҳуқуқий эксперимент натижалари муҳофазасига алоҳида эътибор қаратди. Мазкур услубнинг амалиётда қўлланилгани мамлакатимизда демократик ислохотларни янада қўқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришга хизмат қилиши қайд этилди. Синов давлат органлари фаолиятининг очикилигини, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти институтларининг улар фаолияти тўғрисидаги ахборотдан кенг фойдаланишини таъминлашга қаратилган қонун лойиҳаси нормалари самарадорлигини аниқлаш имконини берди. Шунингдек, реал шарт-шароитларда ўтказилган ҳуқуқий эксперимент қонун лойиҳасини тақомиллаштириш, уни самарали қўллашнинг механизмларини яратиш, ҳуқуқий эксперимент усулларини қонун ижодкорлиги жараёнига жорий этиш бўйича тақлифлар тайёрлашга ёрдам берди.

Иштирокчилар жамоатчилик назорати оид қонун ва нормалар амалдаги ўттиздан зиёд қонунда, жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, қасаба уюшмалари, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳақидаги қонунлар, шунингдек, солиқни сақлаш, экологияга оид қонун ҳужжатларида ўз ифодасини топаганини таъкидлади. Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада қўқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида қабул қилиниши кўзда тутилган «Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида» ва «Экологик назорат тўғрисида»ги қонун лойиҳаларининг алоҳида аҳамияти ҳақида сўз юритилди.

Экспертлар жамоатчилик назоратини амалга оширишда фуқаролик жамияти институтлари, чунончи, оммавий ахборот воситалари ва нодавлат нотихорат ташкилотларининг роли, юридик ва жисмоний шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун жамоатчилик назорати механизми, ҳуқуқий асослари, экологик назоратнинг асосий йўналишлари ҳақида кенг ахборот берди.

Таъкидлаш жоизки, давра суҳбати «Нодавлат нотихорат ташкилотларининг фаолиятини ривожлантиришда оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик» ҳалқаро лойиҳаси доирасида ўтказилган якуний тадбирдир. 2013 йилда ушбу лойиҳа доирасида Бухоро, Самарқанд, Фарғона ва Навоий вилоятларида семинарлар ташкил этилган эди.

Сардор ТОЖИЕВ,
ЎЗА муҳбири

Амнистия – грекча «amnestia» сўзидан олинган бўлиб, эсдан чиқариш, кечириб, гуноҳидан ўтиш маъноларини англатади. Амнистия тарихи жуда қадим замонларга бориб тақалади. Давлатчилигимиз тарихида ҳам амнистияга оид ҳужжатлар қабул қилинганлигини кузатишимиз мумкин. Бунга мисол сифатида буюк саркарда бобокалонимиз Амир Темурнинг «олмишдан ошган отадан ош сўрама» ёки «биринчи марта гуноҳ қилган шахснинг гуноҳидан ўтинлар, иккинчи марта гуноҳ қилган шахснинг ҳам гуноҳидан ўтинлар, учинчи марта гуноҳ қилган шахсни гуноҳига яраша жазоланган» деган ўғитларини келтириш мумкин.

Амнистиянинг моҳиятида инсонпарварлик, кечиримлилик, бағрикенглик каби тушунчалар ётади. Буни биз мустақиллигимизнинг 22 йиллиги мобайнида мамлакатимизда 24 марта қабул қилинган амнистияларнинг моҳиятидан ҳам аниқлаб олишимиз мумкин. Уларда асосан аҳолининг эътиборга, ҳимояга муҳтож қатлами бўлган аёллар, вояга етмаганлар, кекса ёшлилар, биринчи марта жиноят содир этган шахслар жазодан озод қилиниб келинмоқда.

Одатда жаҳон амалиётида амнистия ў ёки бу миллий байрам, мамлакатнинг улкан ютуқларга эришгани муносабати билан эълон қилинади. Бу табиий албатта, чунки ҳар бир инсон табиатида ҳам юксак ҳурсандчилик, ҳуррамлик вақтида психологик жиҳатдан унинг саховатпешалиги, бағрикенглиги, меҳрибончилиги ҳар доимидан ҳам кўтаринки бўлади.

Яна бир нарсани айтиб ўтмаса бўлмайди, баъзи бир одамлар жазо деганда жиноят содир этган шахсни қийноққа солиш, ҳўрлаш тушунадилар. Баҳолаш жазодан мақсад кимдир қийноққа солиш, ҳўрлаш ёки қанчадир вақт қамқода сақлаш эмас, балки Жиноят кодексининг 42-моддасига асосан жазо маҳкуми алоққан тузатиш, унинг жиноий фаолиятини давом эттиришига тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек, бошқа шахсларнинг янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади.

Шу ўринда давлатимиз раҳбарининг қўйидаги сўзларини эслаш ўринли деб ҳисоблаймиз: «Оғир жазо, айниқса, фуқароларни жамиятдан ажратиш билан боғлиқ бўлган жазоларнинг жиноятчилигининг олдини олишдаги аҳамиятини ошириб кўрсатиш ўринсиз эканлигини ҳаётнинг ўзи исботламоқда. Жиноятчилигининг олдини олиш, унга қарши курашиш самарадорлиги жазонинг оғирлиги ва шафқатсизлигига эмас, балки биринчи навбатда, қонунни бузган шахснинг жазонинг муқаррарлигини нечоғли аниқлашга боғлиқ. Жазонинг муқаррарлиги жиноятчилигининг олдини олишда самарали таъсир кўрсатувчи омиллардан ҳисобланади. Шу билан бирга, миллий анъаналаримиз руҳида тарбияланган қўлгина фуқароларимизга содир этган жиноят учун сўроқ ёки тергов ишлари бошланишининг ўзидек тегишли ҳулоса чиқариб олиш ва қонунни бошқа бузмаслик учун қўл ҳолларда қийфа бўлади, деб ўйлайман».

Шу ўринда айтиш кераки, амнистия актини қабул қилиш давлат ҳокимияти олий органларининг қандайдир мажбурияти, бурчи эмас, балки ҳуқуқ бўлиб ҳисобланади. Амнистия орқали одатда жиноят ва бошқа турдаги ҳуқуқбузарлиқни содир этган шахслар жазодан тўла ёки қисман озод этилади, тайинланган жазо тури енгилроғи билан амаллаштирилади.

Алоҳида қайд этиш жоизки, жаҳон амалиётини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, амнистия қабул қилиш ҳамда давлатларнинг ҳам қонунчилигида белгиланмаган, айримларида эса белгиланган бўлсада, 10-20 йилда бир марта қабул қилинади. Бизда юқорида айтиб ўтилган рақамларнинг ўзидек мамлакатимиз Конституциясининг муқаддасида айтиб ўтилган инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишни қўлаш мақсадини амалга оширишнинг амалий ва эркин ифодасидир.

Мустақиллик йилларида амнистияга оид қонун ҳужжатлари ривожланишда давом этди. Икки палатали парламент шаклланишдан сўнг, юқори палата бўлиши – Сенатнинг мутлақ ваколатларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимидаги биноан амнистия тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қилиш киритилди. 2008 йил 23 декабрда матбуотда эълон қилинган «Амнистия актини қўллаш тартиби тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг

Маълумки, 2013 йил 12 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимида биноан «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йилгирма бир йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Қарор қабул қилди. Ҳозирги кунда мазкур қарорнинг ижроси изчил таъминланмоқда.

Қонуни билан амнистия актини қўллаш ҳолис ва бетараф, одил орган, мустақил ҳокимият бўлган судлар ваколатига ўтказилди. Шу билан бир қаторда амнистия тўғрисидаги қарорнинг қўлланилиши устидан жамоатчилик назоратининг таъминлигини ўрнатилганлиги ҳам қувонарли ҳолдир.

Бевосита Сенат қарорининг мазмунига тўхталадиган бўлсак, Сенатнинг амнистия тўғрисидаги қарори 11 банддан иборат бўлиб, уни шартли равишда 3 қисмга ажратиш мумкин: қарорнинг бир қисми қимматга амнистия қўлланилишини белгилаб берса, иккинчи бир қисми амнистия татбиқ этилмайдиган шахслар ва жазолар категориясини мустаҳкамлайди, яна бир муҳим қисми ушбу қарорни самарали ижро этиш устидан жамоатчилик назоратини таъминлашга бағишланган.

Шунингдек, қарорда уни амалга ошириш Вазирлар Маҳкамаси зиммасига юклатилиши ҳамда у қарор эълон қилинган кундан қўлга кириб 3 ой мобайнида ижро этилиши ло-

ХАЛҚИМИЗГА ХОС ИНСОНПАРВАРЛИКНИНГ МУНОСИБИ ИФОДАСИ

зимлиги қайд этилган.

Сенат қарорига кўра жазодан озод қилинадиганларга 7 тоифадаги шахслар қиради, булар: а) аёллар; б) жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар; в) 60 ёшдан ошган эркаклар; г) чет давлат фуқаролари. Шунингдек, эҳтиётсизлик оқсидида жиноят содир этган шахслар, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлиги учун биринчи марта ҳўм қилинган шахслар; д) ва II гуруҳ ногиронлари, ушбу қарор қўлға киргунга қадар бир йилдан ошмаган муддат ичида қонунда белгиланган тартибда жазони ўташга тўсқинлик қилганлар оғир касалликларга чалинган деб топишган шахслар (жавобгарлигини оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этганлар бундан мустасно); таққиланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибидида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун биринчи марта озоодликдан маҳрум қилишга ҳўм этилиб, тузалиш йўлига қатъий ўтган шахслар қиради.

Шу ўринда жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахсларни мазкур амнистия қарори асосида жазодан озод қилишнинг аҳамиятини қўқур аниқлаш зарур. Юртбошимиз айтганларидек, ёшлар ўртасидаги жиноятчилик — бу, аввало, биз, катталарнинг уларни тарбиялашда йўл қўйган жиддий ҳатоларимиз оқибатидир. Бинобарин, шунинг учун ҳам, руҳий ва маънавий жиҳатдан шох сифатида шаклланмай қолиб, жиноят содир этган ёшларимизни жамиятга қайтариш — аввало, биз, ота-оналар ва давлатнинг зиммасига тушади... Шуни барчамиз аниқлаб олишимиз мумкин, қолонлардаги ишлар нечоғли яхши ташкил этилмасин, барибир, бу ер то маънода ёшларни тарбиялайдиган жой эмас. Қўл ҳолларда аризмас қилишни эвазига қаттиқ жазо олган навиқорон йигит айнан шу ерда жиноят оламига қиради, ашаддий жиноятчиларга қўйилиб, уларнинг турмуш тарзига хос қўнимчаларни эгаллаб бошлайди».

60 ёшдан ошган эркакларни жазодан озод қилишга тўхталадиган бўлсак, айтиш жоизки, кексаларни эъзозлаш, уларга мурувват кўрсатиш ва ғамхўрлик қилиш халқимизнинг ўзига хос бетақорр ва бебаҳо инсоний фазилатларидан ҳисобланади. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганларидек, «ёши бир жойга борганида жиноятга қўл урганлар, майли, яхшиси,

Оллоҳни ёдга олиб, унга илтижо қилсин, яқин орада Яратганнинг ҳўзурида ўз қилишларига яраша ҳисоб бериши муқаррарлиги ҳақида ўйласин. Майли, хоҳ тўғри, хоҳ нотўғри ишлари учун улар вақти-соати келиб, неварча-неваралари, келгуси авлодлари олдида жавоб бериши лозимлиги ҳақида ўйласин».

Қарорда мазкур амнистия ҳўжжати асосида озод қилинмайдиган қўйидаги шахсларнинг: а) қасддан содир этган жиноят учун ўн йилдан қўп бўлмаган муддатта озоодликдан маҳрум қилишга ҳўм қилинганларнинг ўталмай қолган жазо муддати — ундан бир қисмига; б) қасддан содир этган жиноят учун ўн йилдан ортиқ муддатта озоодликдан маҳрум қилишга ҳўм қилинганларнинг ўталмай қолган жазо муддати тўртдан бир қисмига қисқартирилиши ҳам белгиланган.

Қарорда мазкур амнистия акти тегишлича қўйидагиларга татбиқ этилмаслиги ҳам белгилаб қўйилган: а) ўзоқ муддатда ёки умрбод озоодликдан маҳрум қилишга ҳўм қилинган; ўта хавфли рецидивист деб топишган; жиноий уюшма таркибидида жиноят содир этган; жазони ўташ тартибидида мунтазам равишда бузаётган шахсларга; шунингдек, ўлим жазоси афв этиш тартибидида озоодликдан маҳрум қилиш тартибидида жазога алмаштирилган шахсларга; б) Қарор 1-бандининг амал қилиши — ўта оғир жиноят содир этган шахсларга; в) Қарор 1-4, 6, 7-бандларининг амал қилиши — таққиланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибидида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун судланган шахсларга; г) Қарор 4, 5, 7-бандларининг амал қилиши — муқаддам амнистия акти бўйича жиноий жавобгарликдан ёки жазодан озод бўлган ва яна қасддан жиноят содир этган шахсларга.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йилгирма бир йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қарорини қўлланиш тартиби ҳақидаги Низом»га кўра Сенатнинг амнистия тўғрисидаги қарори у қўлға киргунга қадар жиноят содир этган ва Ўзбекистон Республикаси судлари томонидан ҳўм қилинган шахсларга, улар жазони қаерда ўтаётганлигидан қатъий назар, қўлланилади. Амнистия тўғрисидаги қарорга кўра асосий жазодан озод қилинган маҳкумлар қўшимча жазолардан озод этилмайди. Амнистия тўғрисидаги қарорни қўлланиш ҳақидаги қарор ҳар бир шахсга нисбатан алоҳида қабул қилинади. Зарур маълумотлар бўлмаган тақдирда, амнистия актини қўлланиш масаласини қўриб чиқиш қўшимча материаллар олингунга қадар, лекин икки ойдан қўп бўлмаган муддатга кечиктириб турилади. Шундан кейин қарор мавжуд ҳўжжатлар асосида қабул қилинади. Амнистия тўғрисидаги қарорни ижро этувчи органларнинг сўровлари дарҳол бажарилади.

Ҳулоса ўринда қайд этиш жоизки, ҳар бир амнистия акти асосида минглаб одамлар озоодликка чиқади. Бу эса минглаб оила хурсандчилиги дегани, бу кимнингдир отаси, кимнингдир онаси, кимнингдир ўғли, боқувчиси, кимнингдир синглиси дегани. Оила тўлиқ бўлишдан, озоодлик шўҳуридан ортиқ бахт борми дунёда. Фақат бунда давлатимизнинг инсонпарвар сийосатини тўғри аниқлаш, ортиқ бу йўлга кирмаслик ва бошқаларни ҳам бундан қайтаришга жиддий эътибор қаратишни экинор унутмаслик лозим. Ўзбекистон – ягона оила, жиноят содир этиб адашганлар ҳам ўз фуқароларимиз, ўз фарзандларимиз. Уларни элу юрт қорига ярайдиган одамлар қилиб тарбиялаш ҳам бизнинг бурчимиздир.

Мирвазэл МИРАҚУЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳўзуридаги Амалдаги қонун ҳўжжатлари мониторинги институти бўлим бошлиғи, юридик фанлари номзоди

Олмазор тумани ҳокимининг
ҚАРОРИ

ОЛМАЗОР ТУМАНИДА 2014 ЙИЛДА ҲАҚ ТЎЛАНДИГАН ЖАМОАТ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сон, 97-модда; 1999 й., 1-сон, 20-модда; 5-сон, 124-модда, 9-сон, 229-модда; 2000 й., 5-6-сон, 153-модда; 2001 й., 5-сон, 89-модда; Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳўжжатлари тўплами, 2006 й., 25-26-сон, 225-модда; 2009 й., 52-сон, 553-модда) 17-моддасига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 19 июлдаги «Ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил қилиш тўғрисида»ги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги (Ўзбекистон Республикаси ҳўкуматининг қарорлари тўплами, 1999 й., 7-сон, 40-модда; Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳўжжатлари тўплами, 2002 й., 5-6-сон, 46-модда) 353-сон қарори ижросини таъминлаш, иш қидираётган шахс сифатида туман Бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказида рўйхатга олинган фуқароларга уларни вақтинча иш ҳақи олиш ва иш қидираётган даврида моддий жиҳатдан қўлаб-қувватлаш, марказ томонидан «ишсиз» деб эътироф этилган фуқароларни вақтинча иш билан таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш, биринчи марта иш қидираётган ва қасби бўлмаган шахсларни меҳнатга жалб қилиш мақсадида,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Олмазор туманида 2014 йил учун ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этувчи корхона ва ташкилотлар рўйхати, иловага асосан тасдиқлансин.

2. Ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этувчи корхона, ташкилотлар раҳбарларига:

иловада қайд этилган ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этиш таъминлансин;

жамоат ишларига жалб қилинган фуқаролар меҳнатига ҳақ тўлаш харажатларининг маҳаллий давлат ҳокимияти органларига қарашли корхона ва ташкилотлар бўйича — 50 фоизи иш берувчилар маблағлари ва 50 фоизи маҳаллий бюджет ва иш билан таъминлашга қўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан;

бошқа корхона ва ташкилотлар бўйича — 75 фоизи иш берувчилар маблағлари ҳисобидан, 25 фоизи иш билан таъминлашга қўмаклашиш давлат жамғармаси ҳисобидан амалга оширилсин;

туман Бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази йўлланмаси бўйича ҳақ тўланадиган жамоат ишларига юборилган фуқароларнинг жамоат ишига қабул қилинганлиги тўғрисидаги маълумот 3 кун муддатда марказга ёзма равишда хабар қилинсин.

3.Туман Бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази (А.Камилов):

корхона ва ташкилотлар раҳбарлари томонидан мазкур қарорнинг тўлиқ бажарилиши юзасидан қатъий назорат ўрнатсин;

ҳақ тўланадиган жамоат ишларига юборилган ва иш билан таъминланган фуқаролар белгиланган тартибда ҳисобга олинсин.

4.Олмазор тумани ҳокимининг 2013 йил 17 сентябрдаги «Олмазор туманида 2013 йилда ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этиш тўғрисида»ги 720-сон қарори ўз қучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5.Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб қўлға қиради.

6.Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари С.Ҳамидов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими в.в.б
М.Турапов

2014 йил 14 январь

Қарорнинг илова қисми билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг toshkent.uz сайти орқали танишиш мумкин.

Буюк мутафаккир Алишер Навоийнинг ижоди ёшлар бадий тафаккури, маънавий дунёсини юксалтириш, уларни комил инсонлар этиб тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Шоир ғазалларининг мусиқийлиги, оҳангдорлиги, нафосати боис унинг сўзлари билан айtilувчи мумтоз кўшиқларни халқимиз гоёт қадрлайди.

МАЪРИФИЙ ТАДБИР

Республика Болалар кутубхонасида ғазал мулкнинг султони, буюк мутафаккир, ҳазрат Алишер Навоий таваддурида 573 йиллигига бағишланган «Сўз мулкнинг султони» мавзусида тадбир бўлиб ўтди.

Унда Юнусобод туманидаги 122-умумтаълим мактабининг ўқувчилари ва ўқитувчилари, В.Успенский номи Республика ихтисослашган мусиқа академик лицейи ўқувчилари иштирок этди.

Ўзбекистон Миллий университети доценти, филология фанлари номзоди Абдумурот Тилолов ва Дилнавоз Юсупова, 122-мактабнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Нодира Сопиевалар анжуманда сўзга чиқиб, Навоий ўзбек халқи маънавиятининг йўлчи юлдузи, миллат фахри бўлган мукаммал шахс бўлиб, унинг ўзбек адабий тили ва адабиётига қўшган улкан хиссаси, шундай сеҳрли қалам соҳибининг ўзбек адабиёти майдонида жавлон урганлиги юксак бахт, она табиятнинг нодир тўғаси,

саховат ва адолат рамзи эканлигини таъкидлашди.

Тадбир доирасида В.Успенский номи Республика ихтисослашган мусиқа академик лицейи талабалари ва «Дийдор» театр-студияси ҳамда 122-мактаб ўқувчиларининг шоир достонларидан парчалар асосидаги театрлаштирилган сахна кўринишлари ва бадий кичишлари намойиш этилди.

— Навоий ҳаёти ва ижоди билан ошно тутинган кишининг дунёқараши янада кенгайди, фикри теранлашиб, эзгу ғазаллари шаклланиб бораверади, — дейди Юнусобод туманидаги 122-мактаб директори Муборак Толипова. — Шоирнинг ҳар бир асарига айтиш мумкинки, ёшлар тарбиясида маънавий жиҳатларни оширадиган фикрлар мужассам. Навоий асарлари билан ҳамнафас улғайган авлод шубҳасиз, мил-



латнинг фарзанди, ўз келажаги учун қайғурадиган комил инсон бўлиб вояга етади.

В.Успенский номи Республика ихтисослашган мусиқа академик лицейи талабалари ижросидаги шоир ғазалларига басталанган куй ва кўшиқлар ҳамда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Насиба Сатторованинг Навоий ижодида бағишланган кўшиқлари барчага бирдай манзур бўлди.

Бобомурод ИБРАГИМОВ,
Республика Болалар кутубхонаси ходими
СУРАТДА: тадбирдан лавҳа

«Камолот»

КЕНГАШ ФАОЛИЯТИ САРҲИСОБИ

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Олмазор туман Кенгашининг VI ҳисобот-сайлов конференцияси ўтказилди.

Тадбирда «Камолот» ЁИХ туман Кенгаши бош мутахассиси Шукрулло Анваровнинг ўтган даврдаги фаолияти юзасидан ва амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар бўйича ҳисоботи эшитилди. Жумладан, кенгаш раиси Абдор Нозимов, Тошкент Тиббиёт академияси ёшлар етакчиси Илхом Отажонов, Ўзбекистон Миллий университети қошидаги академик лицей бошланғич таъкилот етакчиси Ақром Фозилов, Тошкент Молия институти қошидаги 2-сон академик лицей ёшлар сардори Адхам Абдуллаев, Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндори Робина Рузиева туман Кенгаши томонидан икки ярим йил давомида амалга оширилган ишлар ва эришилган ютуқлар тўғрисида маълумот беришди.

Конференция кенгашининг ўтган йиллардаги фаолиятини сарҳисоб қилиш, ёшларнинг фикр-мулоҳазаларини ўрганиш ва келаси давр учун устувор вазифаларни белгилаб олиш каби муҳим масалаларни ўз ичига олгани учун ҳам бу жараёнга кенг жамоатчиликни жалб қилиш таъкилот фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Конференцияда бир қатор делегатлар кун тартибидagi масалалар юзасидан ўзларининг фикр ва ташаббусларини билдириб, уларни йиғилган фаол ёшлар билан ўртоқлашди. Шунингдек, анжуман давомида «Камолот» ЁИХ туман Кенгаши томонидан ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, уларнинг демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида фаол иштирокини таъминлаш йўналиши бўйича икки ярим йил давомида жами 415 тадан зиёд тадбирлар ўтказилиб, унга 40470 нафардан ортиқ ёшлар жалб этилганлиги таъкидлаб ўтилди. Спортни ривожлантириш ва ўсиб келаётган ёш авлоднинг жисмоний жиҳатдан камол топтириш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш борасида туман Кенгаши томонидан жами 921та тадбир ташкил қилиниб, ушбу тадбирларга 37480 нафар ёшлар қамраб олинган.

Яқунда келгуси фаолият даври учун устувор йўналишлар белгиланиб, конференцияда кўтарилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Оқила БАХРОМОВА,
ЎзДЖТУ талабаси

Гиёҳвандлик бугунги кундаги ўта долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Ачинарли томони гиёҳвандлик балоси аксарият кишиларнинг бошига етмоқда. Унинг касофатидан ер юзига миллионлаб инсонларнинг ҳаёт билан эрта видолашиши ҳамда онлаларнинг бузилиб кетиш ҳолатлари кузатишмоқда.

ГИЁҲВАНДЛИК — ЖАМИЯТ УЧУН ЗАРАРЛИ ИЛЛАТ

Ҳамза туманидаги «Бой-қўрон» маҳалла фуқаролар йиғинида «Тенгдош» маданият уйи ташаббуси билан ўтказилган «Гиёҳвандлик — инсоният душмани» мавзусидаги маънавий-маърифий давра суҳбатида ҳам шу ҳақда сўз юритилди. Унда маҳалла фаоллари, ўсмир-ёшлар ҳамда маданият уйининг бадий ҳаваскорлик жамоалари қатнашчилари иштирок этди. Тадбирда сўзга чиққанлар гиёҳванд моддаларнинг инсон танасига ноҳўя таъсири, ўзидан кейин қолдирадиган салбий асоратлари ҳақида гапириб, жумладан, гиёҳванд одам энг аввало ўз ақлидан ажралиб, охири-оқибати уни жарликка улоқтириши муқаррарлигини алоҳида таъкидлашди. Барча йиғилганларни огоҳликка чақирди.

— Гиёҳвандлик — жамият учун зарарли иллат ҳисобланади, — дейди «Тенгдош» маданият уйи қошидаги уч йиллик би-чиш-тиқиш дизайнерлик мактаби раҳбари Наргиза Саидматова. — Мактабимизда мустақил ҳаётга қадам қўётган қизларга ти-

кувчилик сир-асорларни ўргатилади. Касб сирларидан сабоқ олаётган қизлар билан мунтазам равишда тарбиявий соатлар ўтказиб турилади. Гиёҳвандлик, ОИТС иллатларининг инсонга зарарлиги, соғлом турмуш тарзига риоя этиш лозимлиги доимо ўқитиб борилади.

Маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари бир овоздан оилада соғлом муҳит ҳукм сурса, фарзанд тарбияси ҳам шунга монанд бўлиши, бунда энг аввало ҳам дунёвий, ҳам миллий анъаналаримиздан келиб чиққан ҳолда юксак ақл-заковат, миллий тафаккурни шакллантиришга катта эътибор қаратиш зарурлиги қайд этилди.

Мамлакатимизда гиёҳвандликка қарши курашининг қатъий чоралари кўрилмоқда, йирик-йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда, кўплаб тадбирлар ўтказилмоқда. Бундай тадбирлар гиёҳвандликнинг таначалик оғир оқибатларга олиб келувчи «оғу» эканлигини инсонлар онига сингдиришда муҳим аҳамиятга эга.

Зиёда РАСУЛОВА

Қуролли Кучлар фахрийси, шоир Искандар Раҳмоннинг «Ассалом улуғ юрт, қутлуг армиям!» китоби чоп этилди.

МАРДОНАВОР КҲҲШИҚЛАР ЖАМЛАНМАСИ

Таъкидлаш жоизки, кейинги вақтларда Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги шарофати билан Ватанимиз посбонлари учун жанговар сафарда кўпчилик бўлиб жўровозликда айtilадиган мардонавор куй-кўшиқ, маршлар яратиш ва уларни ижро этишга катта аҳамият берилмоқда.

Бундан кўзланган мақсад — Ватанимиз посбонлари қалбига Она юртга меҳр-муҳаббат, бурчга садоқат, мардлик, жасорат, ганимларга нафрат ҳис-туйғуларини уйғотиш, миллий армиямиз куч-қудрати, салоҳиятини янада ошириш, унинг жасур ва ботир ҳимоячиларини мадҳ этиш, улуғлашдир.

Тароналар ва саф кўшиқлари жамланган ушбу тўпламдан машҳур бастакорлар билан яратилган энг сара асарлар ўрин олган.

Муаллифининг она Ватанга муҳаббат, бурчга садоқат, ҳарбий-ватанпарварлик мавзусидаги 30 дан зиёд назмий ва насрий асарлари эълон қилинган, 50 дан ортиқ шеърлари таниқли хонандалар, ҳарбий ходимлар, ижодий гуруҳлар, санъатсевар халқимиз маънавий мулкига айланган. Айни пайтда Искандар Раҳмон Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий

қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси Марказий Кенгаши ҳузуридаги «Ёшлар билан ишлаш гуруҳи» раҳбари сифатида фаолият кўрсатмоқда.

Бугунги кунда тинч ва оқойишта ҳаётимиз ва мустақиллигимизнинг мустаҳкам қафолати бўлган — миллий армиямиз сафларида хизмат қилаётган мард, жасур, зийрак, уddaбурон фарзандларимизнинг жанговар бурчларини адо этишларида бундай кўшиқлар уларга янада кўтаринки кайфият бағишлайди.

Мазкур тўплам назм ва наво ихлосмандлари, бадий ҳаваскорлик жамоалари фойдаланиши учун катта қулайлик яратди.

Муаллиф тўпламга кирган кўшиқларни ноталаштиришда қимматли маслаҳатлари ҳамда амалий ёрдамларини берган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар: Авазбек Маллабоев, Абдусалом Муталов, Содик Мамасолиев, шунингдек, Ўзбекистон Бастакорлар уюшмасининг раҳбарлари, мусиқашунослар: Муҳайёхон Набиева, Бахтиёр Ашуров, Олимжон Раҳимовларга ўзининг чўқур миннатдорчилигини чин дилдан изҳор қилади.

Гулчехра КАРИМОВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«AGRO SANOAT MULK MARKAZI» МҲҲ очик аукцион савдоларига таклиф этади!

2014 йил 25 февраль кунин соат 11:00 да, Тошкент шаҳри, Қўшбеги кўчаси, 18-уйда, бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориш тартибидида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига қўйидаги мол-мулклар қўйилмоқда:

1. Миробод туман СИБ томонидан, «Автогаза Сервис» МҲҲ омборида сақланаётган: 1. 2014 йил 7 январдаги 2/6-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар ИИББ Аxbорот Марказида сақланаётган, 2007 йилда и/ч дав. бел. 01 Т 805 ОА бўлган «Матиз» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 20 934 556 сўм.
2. 2014 йил 7 январдаги 3/6-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2006 йилда и/ч дав. бел. 01 В 041 СА бўлган «Матиз» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 17 500 000 сўм.
3. 2013 йил 29 ноябрдаги 39614/19-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2007 йилда и/ч дав. бел. 01 Х 085 ГА бўлган «Матиз» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 17 000 000 сўм.
4. 2013 йил 29 ноябрдаги 39615/19-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2004 йилда и/ч дав. бел. 01 Т 419 МА бўлган «Матиз» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 11 478 782 сўм.
5. 2013 йил 29 ноябрдаги 39617/19-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2012 йилда и/ч дав. бел. 01 Д 184 ОА бўлган «Дамас» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 33 600 000 сўм.
6. 2013 йил 29 ноябрдаги 39618/19-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2002 йилда и/ч дав. бел. 85 К 775 ВА бўлган «Мерседес Бенц» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 56 000 000 сўм.
7. 2013 йил 29 ноябрдаги 39616/19-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1981 йилда и/ч дав. бел. 01 Қ 079 НА бўлган «Ваз 2106» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 5 723 138 сўм.
8. 2014 йил 7 январдаги 1/6-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2012 йилда и/ч дав. бел. 01 W 797 НА бўлган «Ласетти» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 45 959 000 сўм.

Савдога қўйилган мулклар билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин. Аукцион савдоларига қатнашиш учун талабгорлардан аризалар эълон қилган кундан бошлаб ҳафтанинг расмий иш кунлари қабул қилинади ва савдо бошланишига бир иш кунини қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Ушбу аукцион савдоларига қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Agro sanoat mulk markazi» МҲҲнинг «Капиталбанк» ОАТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208008049480004002, МФО 01018, СТИР 302159464. Манзил: Тошкент шаҳри, Қўшбеги кўчаси, 18-уй. Тел: 250-83-29. Гувоҳнома: 006388.

«Respublika Mulk Markazi» ЕАҲ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога тақоран Тошкент шаҳар Бектемир тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, Бектемир тумани Х.Бойқаров кўчасидаги Тошкент шаҳар ИИББ Аxbорот марказининг далилий ашёларни сақлаш омборхонасида сақланаётган қўйидаги автотранспорт воситалари тақоран қўйилмоқда: 1. «Москвич-412» русумли д/р 11Х8782 бўлган 1983 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати №2-24, 07.03.2012й. Бошланғич баҳоси — 766 565,55 сўм.
2. «Москвич-412» русумли д/р 3011541 бўлган 1987 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 16.02.2010й, №1-45. Бошланғич баҳоси — 139 256,15 сўм.
3. «М-21 УС» русумли д/р 11К2070 бўлган 1963 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 14.09.2009й, №1-674. Бошланғич баҳоси — 1 021 273,33 сўм.

Аукцион савдоси 2014 йил 18 февраль кунин соат 11:00дан бошлаб ўтказилади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати: 2014 йил 14 февраль кунин соат 18:00. Автотранспорт воситалари билан суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон филиалидаги 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850 х/рга тўлашлари шарт. **Изоҳ:** и/ч — ишлаб чиқариладиган, д/р — давлат рақами. Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1А-уй. Тел: 228-79-52. www.rtm.uz. Гувоҳнома №006231.

ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ободонлаштириш бош бошқармаси тизимидида янгида ташкил этилган «Каналларни сақлаш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлашга ихтисослаштирилган бошқарма» қўйидаги ишталарга мутахассисларни

ИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ:

Режа-иқтисодиёт бўлими бошлиғи.
Иқтисоди.
Ҳисобчи.
Ишчи ирригатор.
Ободонлаштириш ишчиси.
Канал назоратчиси.
Трейлер ҳайдовчилари.
Сачман ҳайдовчилари.
Автобус (ISUZU) ҳайдовчилари.
Автокўтарма (автовишкя), автокран, занжирли ва ғилдиракли бульдозер машинистлари.

Ишга танлов асосида қабул қилинади. Маошлар шгат жадвали асосида белгиланади.
Мурожаат учун манзил: Мирзо Улуғбек тумани, Темурмалик кўчаси, 3 «А» (собиқ 3-сон Трамвай-троллейбус депоси биноси) уй.
Телефонлар: +99890 994-71-72, +99890 998-15-52.

2007 йил 1 майда № 001166-03 сонли рақам билан рўйхатга олинган SSP «Delta» унитар корхонаси (ИНН 205845466)нинг фаолияти тугатилади.

Давволар икки ой мuddат ичиди Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳқўчаси, 4-уй манзилида қабул қилинади. Тел: 239-42-99.

Тадбирлар

КУТУБХОНАДА ИЖОДИЙ УЧРАШУВ

Ўзбекистон Миллий кутубхонасида таниқли журналист, Халқаро «Тел» мукофоти совриндори Шаҳноза Ганиева, kultura.uz портали мухбири Борис Бабоев, mezon.uz портали мухбири Нигора Умаровалар билан учрашув бўлиб ўтди.

Учрашувда Ўзбекистон Миллий университети, Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети, Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институти, Жаҳон ихтисодиёти ва дипломатия университети талабалари иштирок этди.

Тадбир Шаҳноза Ганиеванинг «Ўзбекфильм» киностудиясида бир нечта фильмларни тасвирга туширган машҳур режиссёр Наби Ганиев ҳақида тайёрлаган кино лавҳаси

билан бошланди. Савол-жавобларга бой тарзда, мазмунли ва мароқли ўтган кечада, ёшлар ўзларини қизиқтирган барча саволларга батафсил жавоб олдилар.

Тадбир сўнггида фаол иштирокчиларга эсдалик совғалари топширилди.

Дилшода ДАУЛЕТБАЕВА,
ЎзДЖТУ талабаси

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР



ҲУРМАТЛИ ЙЎЛОВЧИЛАРИ!

Йўловчи ташиш транспортидан фойдаланишда қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида



Ер усти жамоат танспорти (шаҳар ичида қатновчи автобус ва трамвай) йўналишларида йўлқира ҳақини жетонлар орқали тўлаш тизими жорий этилганлигини маълум қиламиз.

Жетонлар ойлик йўл чипталари сотиладиган барча шохобчаларда фақат БАНК ПЛАСТИК КАРТОЧКАЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТЎЛОВ ТЕРМИНАЛЛАРИ орқали сотилади.

Йўлқира ҳақининг тўланиши учун жетонлар нақд пуллар билан бир қаторда ҳайдовчи ва кондукторлар томонидан чипта бериб қабул қилиниши шарт.

Автобус ва трамвайларда ойлик йўл чипталаридан ҳамда бепул юриш ҳуқуқини берувчи гувоҳномалардан фойдаланиш тартиби сақланиб қолган.

«Йўловчитранссервис» маркази, тел.: 260-08-26, 260-14-06



Кўргазмалар

МИЛЛИЙ
ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ
ТИМСОЛИ

Ўзбекистон Бадий академиясининг Икуо Хираяма Халқаро маданият карвон саройида «Дўппи тикдим иппаклари тиллодан...» номи кўргазма бўлиб ўтмоқда.

Кўргазмага қўйилган дўппилар Фахриддин Абдужабборовнинг шахсий тўпламига тегишли бўлиб, Фахриддин ака ҳозирда ўзбек миллий кийимларини тиклаш мақсадида «Тикла-ниш» лойиҳаси билан фаол шуғулланмоқда. Кўргазманинг очилишида Ўзбекистон Бадий академияси раиси Акмал Нуриддинов, Ўзбекистон халқ рассоми, академик Жавлон Умарбеков ва бошқалар сўзга чиқиб, миллий қадриятларимизни улуғловчи бундай тадбирларни тез-тез ташкил этиб туриш лозимлигини таъкидлаган ҳолда Фахриддин Абдужабборовнинг келгусидаги ишларида муваффақиятлар тиладилар.

Кўргазмага қўйилган дўппилар намуналари билан танишар экансиз, улар кўриниши, нақш услублари, бадий рамазлар уйғунлиги билан бир-биридан фарқ қилишининг гувоҳи бўласиз. Ҳар бир вилоятга хос дўппиларнинг тайёрланишида шу жойнинг табиий шароити, атроф-муҳит, аҳолининг турмуш тарзи ва маҳаллий анъаналарининг тарихий ривожланиши ўз таъсирини кўрсатган. Юртимизнинг кўпгина вилоятларининг урф-одатларини акс эттирувчи бу дўппилар кўргазмага ташриф буюраётган ҳамшаҳарларимизда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Дилафрўз ИБРАГИМОВА,
ЎзДЖТУ халқаро журналистика
факультети 1-босқич талабаси

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида болалар спортини ривожлантиришга қаратилган улкан эътибор навқирон авлоднинг жисмонан ва маънан соғлом этиб тарбиялаш билан бирга, ўзбек спортининг халқаро майдондаги ютуқларига мустақкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

Бу Ўзбекистон гандбол федерациясининг кейинги йилларда жаҳон ва қитъа миқёсидаги мусобақаларда эришган ютуқларида ҳам ўз ифодасини топаётди.

Гандбол — ҳаракатли жамоавий ўйин тури бўлиб, ёзги Олимпия ўйинлари дастурига киритилган. Бола саломатлигини мустақкамлашга иккунли таъсир қиладиган маънавий спорт тури ёшларда жисмоний жиҳатдан куч, тезлик ва чаконлик, маънавий-руҳий томондан мақсад сари интилиш, дўстлик, матонат ва жасорат каби инсоний фазилатларни шакллантиради.

Ушбу олимпия спорт тури ёшларимизнинг энг сеvimли машғулотларидан бири сифатида оммалашаяптир. Бугунги кунда 100 мингдан зиёд ёшлар гандбол билан мунтазам шуғулланмоқда. Уларнинг қарийб ярми кизлардир. Бундан тўрт йил муқаддам бу рақам 75 мингга ташкил этарди. Бу кўрсаткичнинг ўсишида мамлакатимизнинг барча ҳудудларидаги олимпия заҳиралари коллежлари, болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, умумтаълим мактабларидаги спорт тўғрисида, спорт клублари ва секцияларида маҳоратли гандболчиларни тайёрлашнинг самарали тизими йўлга қўйилгани муҳим асос бўлмоқда.

Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганидек, болалар ва ўсмирларнинг спорт билан оммавий равишда шуғулланиши уларнинг характери тоблайди, кучли, мард ва жасур бўлиб камол топишга хизмат қилади, қатъият, ҳаёт синновлари ва қийинчиликларини мардонвор ёнгини ўтишга қодир инсонлар этиб тарбиялайди, — дейди Ўзбекистон гандбол федерацияси бош котиби Исмоил Матқоликов. — Мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлоднинг тарбиялашнинг муҳим вазисаси сифатида аввало жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Қайси давлат ва жаҳонда соғлом ва баркамол авлод вақиллари кўп бўлса, катта спортдаги натижалар сони ва салмоғи ҳам шунга монанд ортиб бораверади.

Болалар спортининг таълим-тарбия жараёни билан мунотосиб равишда изчил ривожлантирилган ёшларни жисмоний тарбия, спорт, соғлом турмуш тарзига кенг жалб қилиш, уларнинг спорт билан мунтазам шуғулланиши учун етарли шароит яратиш имконини бермоқда. Хусусан, ўзбек гандбол мактаби тараққиётида унинг уч босқичли спорт мусобақалари тизими — «Умид николлари», «Баркамол авлод», Универсиада мусобақаларига киритилгани муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур спорт мусобақалари мамлакатимизда оммавийлашиб, ёшларимиз ҳаётининг ажралмас қисмига, уларнинг кундалик эҳтиёжига айланди. «Умид николлари»да илк маротаба катта мусобақа ҳадисини олган ёшлар «Баркамол авлод» ўйинларида тажриба ва маҳорат оширмоқда. Универсиада беллашувларида етук спортчи сифатида шаклланиб, катта спорт майдонларига дадил кириб бормоқда.

«Кичик Олимпиада» деб номланган ушбу спорт ўйинларининг финал босқичларига меъзбонлик қилган вилоятларда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан барпо этилган замонавий спорт

иншоотлари қўлаб спорт турлари қаторида гандбол бўйича ҳам машғулот ва мусобақаларни юқори савияда ташкил этиш имконини бераётди.

Ўсиб келаётган ўғил-қизларни ҳар жиҳатдан соғлом этиб тарбиялаш борасида амалга оширилётган ана шундай кенг қўламли ишлар самарасида ўзбек спортининг қудрати ва довури тобора ортиб бормоқда.

2013 йил гандболчиларимиз учун ҳам ғалабаларга бой бўлди. Жумладан, «Ёшлик» жисмоний тарбия ва спорт жаҳиятининг спортчилари — 17 ёшгача кизлардан таркиб топан терма жамоа Осиё биринчилигида муваффақиятли қатнашиб, жорий йилда Македонияда бўладиган жаҳон чемпионатида илк маротаба иштирок этадиган бўлди. Терма жамоамиз аъзолари Гулмира Нажмиддинова, Хилола Қодиржонова, Севара Раззоқбергана, Сурайё Абдулхамидова, Валида Имомова каби гандболчи кизларнинг ўйини муҳлису мутахассислар томонидан юқори баҳоланмоқда.

Болалигимдан спортнинг бир неча турлари билан шуғулланаман, — дейди терма жамоа сардори, Андижон олимпия заҳира-

Болалар спорти

ГАНДБОЛЧИЛАРИМИЗНИНГ УЛКАН ҒАЛАБАЛАРИ

лари коллежи ўқувчиси Гулмира Нажмиддинова. — Беш йилдан буён гандбол билан шуғулланаман. Айни пайтда терма жамоа таркибига мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан йигирмага яқин энг сара гандболчи киз жалланган. Биз спорт орқали баркамол бўлиб воғга етиш баробарида халқаро мусобақаларда ўзбек кизлари ҳеч кимдан кам эмаслигини кўрсата олаётганимиздан бахтиёримиз. Айниқса, илк маротаба жаҳон чемпионатида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритганимиздан фахрланамиз. Бу ютуқларимиз, аввало, давлатимиз раҳбари томонидан болалар спортини ривожлантиришга қаратилган доимий эътибор, жумладан, кизларнинг спорт билан мунтазам шуғулланиши учун кенг имконият яратиб берилаётганининг самараси эканини чин дилдан ҳис қиламиз ва Юртимизимиздан беҳад миннатдоримиз.

2013 йилги мавсумда Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоасининг Халқаро гандбол федерациясининг нуфузли мусобақаси — «Challenge Trophy» кубогининг мураккаб саралаш босқичларидан муваффақиятли ўтиб, Мексикада ўтган қитъалараро финал

босқичида қатнашгани, миллий терма жамоамизнинг Италияда ташкил этилган халқаро турнир финалида меъзбонларни мағлубиятга учратиб, биринчи ўринни эгаллагани ҳам мамлакатимиз спортининг ютуғидир.

Мамлакатимизда нафақат маҳоратли спортчилар, балки тажрибали мураббий ва малакали ҳакамлар тайёрлаш ҳам яхши анъанага айланган. 2013 йилги спорт мавсумида икки нафар ёш ҳакам — Улугбек Икромов ва Алишер Абдуллаев Таиланд, Хиндистон, Баҳрайнда ўтказилган нуфузли мусобақаларда Халқаро ва Осиё гандбол федерациялари томонидан ҳакамлик қилишга тайинланди.

Халқаро гандбол федерацияси талабига кўра, гандбол учрашувларини бошқарадиган ҳакамлар пухта жисмоний тайёргарликка эга, чуқур билимли, ўйин қоидаларини тўлиқ ўзлаштирган бўлиши, инглиз, француз ва немис тилларидан бирида бевосита мулоқот қила олиши керак, — дейди Ўзбекистон гандбол федерацияси ҳакамлар хайъати раиси Одил Абдуалимов. — Федерациямиз томонидан ёшларни ҳакамликка тайёрлаш ишлари изчил амалга оширилмоқда. Ҳозир миллий чемпионат ўйинларини 24 нафар ҳакам бошқаради.

Ўзбекистонда спортни, жумладан, гандболни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар халқаро спорт ташкилотлари томонидан эътироф этилмоқда. 2013 йилнинг 23-28 октябрь кунлари Қатарнинг Доха шаҳрида дунёнинг икки юздан зиёд мамлакатли спорт делегациялари иштирокида ўтказилган Халқаро гандбол федерацияси XXXIV Конгрессида Ўзбекистон гандбол федерацияси 2009-2013 йиллар давомида халқаро миқёсда эришган ютуқлари, нуфузли мусобақаларни юксак савияда ташкил этгани учун «Осиёнинг энг фаол федерацияси», деган

юксак шарафга сазовор бўлди. Жаҳон спортига дадил кириб бораётган гандболчиларимизни 2014 йилги спорт мавсумида қўлаб янги мусобақа ва синновлар кутмоқда. Бўлажак баҳсларда ўзбек гандболчилари юксак маҳорат кўрсатиб, истеъдод ва маҳорат бобида ҳеч кимдан кам эмаслигини ва ҳеч қачон кам бўлмаслигини ана бир қарра исботлашига ишонамиз.

Зоҳир ТОШҲУЖАЕВ,
ЎзА муҳбири
Мухаммад Амин (ЎзА)
олган сурат



Саломатлик сирлари

ГИПОДИНАМИЯ ВА ОРТИҚЧА ВАЗНДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ

Яқинда АҚШнинг профилактика миллий маркази томонидан кам ҳаракатлилик бўйича ўтказилган сўроғнома натижалари шуни кўрсатдики, 18 ёшдан катта аҳолининг 15 фоизи ҳафтасига камидан 3 марта 20 дақиқадан жисмоний зўриқиш машқларини бажарса, сўроғномада қатнашган 60 фоизга яқини номунтазам жисмоний зўриқиш олиб боради яъни 1 ҳафтада бир маротаба, 25 фоз ҳолатларда эса кишиларнинг умуман жисмоний машқлар билан шуғулланмаслиги аниқланди.

Биз бу маълумотларни бежиз келтирмадик. Зеро, кам ҳаракатлилик, яъни жисмоний фаолликнинг пастлиги ва семизлик — ҳозирда аҳоли саломатлигига салбий таъсир этаётган асосий муаммолардандир. Зеро, бугунги кунда аҳолининг ярмидан кўпи ҳаракатсиз (ўтирган ҳолати) ҳаёт тарзини кечиради.

Кам ҳаракатлилик, бошқача қилиб айтганда гиподинамия — бу, бир иш кўни давомида 5 соатдан ортиқ вақтни ўтирган ҳолатда ўтказишдир.

Ортиқча тана вазни муаммосини ўрганмоқчи бўлсак, тана вазнининг ортиси ва семизлик атамаларида дуч келамиз, бу икки тушунча бир маънони билдирадими ёки тусили хил тушунчаларми? Аслини олганда, семизлик — бу касаллик. Ортиқча тана вазни эса семизликка олиб келувчи ҳолатдир.

Албатта, меъёрий бўлган тана вазини аниқлаш усули ҳамма буюм, яъни бу инсон вазини массаси килограммини унинг бўйига бўлиш орқали ҳисобланади ($\text{кг}/\text{м}^2$) — ТВИ (тана вазни индекси) = тана массаси, $\text{кг}/\text{бўйи м}^2$.

Мисол учун 170 см, яъни 1,7 м бўйли одамнинг вазни 78 кгни ташкил этса, унинг тана вазни индекси ($78/1,7^2=28,28$)—27,2 га тенг бўлади.

ТВИга оид олинган кўрсаткичлар ва у билан боғлиқ хавфлар куйидагича усулда тавсифланади:

ТВИ 18,5 дан кам — вазн етишмовчилиги, бу ҳолат асосан соғлиқда муаммолар бўлганида юзага келади; 18,5-24,9 — меъёрий вазн; 25,0-30,0 ортиқча тана вазни; 30,0-35,0 1-даражали семизлик; 35,0-40,0 2-даражали семизлик; 40,0 дан юқори 3-даражали семизлик бўлиб, соғлиқ учун жуда хавфли омилдир.

Кам ҳаракатлилик ва семизлик юрак ишемик касаллиги, мия инсулти, артериал гипертония, қандли диабет, ўпка касалликлари ва остеопороз касалликларини юзага келтириши мумкинлигини асло унутмаслик керак. Яъни юрак ишемик касаллиги ва қандли диабетнинг ривожланиш хавфи кам ҳаракатли ҳаёт тарзини кечирувчиларда жисмоний фаол одамларга қараганда ўртача 2 марта юқоридир.

Кўчада ёки бирор-бир жамоат жойларида юргангизда атрофдагиларга назар солсангиз аксарият одамларнинг ортиқча тана вазинга эгалигини, яъни семизликдан азоб чекаётганлигини гувоҳи бўласиз.

Семизлик нафақат юрак ишемик касаллигининг, балки бошқа юрак-қон томир касалликларининг ҳам хавфли омил бўлиб, юрак ишини кучайтиради, инсоннинг жисмоний имкониятларини камайтиради, унинг фаоллигини чегаралайди ва ҳаётида сезиларли ноқулайликларни вужудга келтиради.

Семизлик касаллигига олиб келувчи ортиқча тана вазнининг юзага келиши нимага боғлиқ? деган саволнинг туғилиши табиий. Бунинг асосий сабаблари — нотўғри овқатланиш, тўйиб овқатланиш ва танада модда алмасишнинг бузилишидир.

Семизлигининг дастлабки кўринишлари инсоннинг болалик даврларига тўғри келади. Ғамхўр ота-оналар кўпинча фарзандларини ҳаддан ортиқ, кўп овқатлантиришади, бу эса тери ости ёғ қаватида кўп миқдордаги махсус ёғ ҳужайралари — адипоцитларнинг ҳосил бўлишига олиб келади. Натижада болаларда бу ҳужайраларда сезиларли миқдорда ёғнинг йиғилишига мойиллик вужудга келади.

Бундан жуда муҳим амалий хулосалар келиб чиқади: семизликка қарши курашни бола дунёга келган илк кун-

ларданок бошлаш лозим ва унинг асоси — ҳаддан ортиқ ва тўйиб овқатланишдан холи бўлган тўғри овқатланишдир.

Французларда шундай доно нақл мавжуд: «Семизликнинг учта даражаси мавжуд. Биринчи даражасида одамларга ҳавас қилишади, иккинчисида устидан қилишади, учинчисидаги ачинишади». Бу нақл биз қараб чиқаётган муамманинг туб моҳиятини тўлиқ акс эттиради.


Семиришнинг олдини олишда овқатланиш тартиби жуда катта аҳамиятга эга. Юқорида таъкидланганидек, суткада 1-2 марта, лекин тўйиб овқатланиш ёғ алмасишнинг салбий таъсир кўрсатиб, янгидан-яңи ёғ тўқималарининг ҳосил бўлишига олиб келади. Шунинг учун ҳам семизликдан азоб чекаётган одамларга кунда 5-6 марта 03-03 миқдорда овқат истеъмол қилиш тавсия этилади.

Семизликнинг биринчи даражасида овқат калорияси соғлом одамга қараганда тахминан 20 фоизга кам бўлиши керак (2200-2400 ккал суткада), иккинчи даражада 44 фоизга (1750-1800 ккал суткада), учинчи даражада 60 фоизга (1500 ккал суткада) камайтирилиши лозим.

Овқат калориясини чегаралаш биринчи навбатда ҳайвон ёғлари, иккинчидан — углеводлар ҳисобига бўлиши лозим. Вазни юқори одамларнинг овқати таркибиде оксилларнинг етарли миқдорда — суткада 100-200 г бўлиши жуда муҳимдир. Бу оксил миқдорининг 50 фоиздан ортиги ҳайвон оксигли: гўштининг ёғсиз навлари, балик, парранда гўшти, ёғсиз сут маҳсулотлари бўлиши лозим. Маълумки, айнан шу озиқ моддаларда одам танасининг ҳаёт фаолияти учун зарур бўлган аминокислоталар мавжуд.

Очиқ ҳавода сайр қилиш, кунига камидан 3 километр пиеда юриш, ҳар кун эрталаб бадантарбия қилиш каби омиллар ҳам тўғри овқатланиш билан қўшиб олиб бориладиган инсон танаси вазини меъёрга келтиришда муҳим ўрин тутаяди.

Барно КАРИМОВА,
Республика ихтисослашган кардиология маркази
3-артериал гипертония бўлими мудир, тиббиёт
фанлари номзоди



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Ҳаёт завқи барча нарсадан устун.

Кўпни кўрган одам бир қарашда кимнинг кимлигини билади.

Ҳаётнинг ўзи ҳамманинг ҳисобини тўғрилаб қўяди.

Бир кунда битадиган иш баъзида йиллаб елканда юк бўлиб ётади.

Хас каби енгил кимсаларни тақдир шамоли чирпирак қилиб ўйнайди.

Вақтни алдаёлмайсан.

Экиш эмас, парвариш қилиш қийин.

Соддани тилидан илинтиришади.

Асаб чарчаса, руҳ ҳорийди.

Дард ҳамиша заифга ёпишади.

Баъзида инсон бир-бирининг қадрини жуда кеч англайди.

Ҳаёт қувончу ташвишлари ғаму қайғуни унуттиради.

Яхшилик тилда эътироф этилади-ю, ёмонлик дилда қолади.

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

кундузи — 12-14 даража илқ бўлади.
Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати

Тошкент шаҳрида мати маълумотида кўра, 28 январь кун ҳаво 28 январда Тошкент ўзгариб туради, қисқа шаҳри об-ҳаво шароити муҳимдир ёмғир ёғиши шаҳар ҳаво муҳитида мумкин. Фардан се- зарарли моддаларнинг кундига 7-12 метр тез- ликда шомол эсади. имконият яратади. Ҳарорат кечаси — 3-5, тағмиқдори паст бўлади.

Тошкент Оқшоми

Манзил: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонар: 233-28-95,
факс: (371) 232-11-39

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳрират компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил:
vto2007@mail.uz

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Буюртма Г- 156

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилди.
12877 нусхада босилди.
Қозғо бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул
Д. Исроиллов

Босишга топширилди: 13.50

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмаҳонаси, Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ